

Ҳаддан ошиш яхши эмас



19:00 / 12 март 1417

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

مَظْلُومًا قُتِلَ وَمَنْ بِالْحَقِّ إِلَّا اللَّهُ حَرَّمَ الَّتِي النَّفْسَ نَقَتُوا وَلَا

كَانَ إِنَّهُ الْقَتْلَ فِي يُسْرِفَ فَلَا سُلْطَنًا لَوْلِيَّهِ، جَعَلْنَا فَقَدَ

منصُورًا ٣٣

«Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Ҳақ ила бўлса, мустанно. Кимки мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийсига ҳақ берганмиз. Бас, у ўлдиришда ҳаддан ошмасин. Албатта, у нусрат берилган одамдир» (Исро сураси, 33-оят).

Исломда ҳар бир тирик жон, айниқса, одам боласининг жони юқори қадрланади. Жонни ҳаммага Аллоҳ берган ва уни олишга ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина ҳақлидир. Шунинг учун бировни ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Исломда шаръий ҳукм ила жонни ўлдиришга уч ҳолатда ҳукумат йўли билан рухсат берилади. Яъни бу ишни ҳар ким ўзича эмас, балки исломий ҳукумат йўлга қўйган услуб ила амалга оширади.

Биринчи ҳолатда: одам ўлдирган қотилни ундан қасос олиш учун ўлдиришга рухсат берилади.

Иккинчи ҳолатда: оилали одам зино қилса, зинонинг жазоси сифатида у ўлдирилади.

Учинчи ҳолатда: диндан қайтган муртадни ҳам ўлимга ҳукм қилинади.

Яна бошқа бир ҳолат борки, унда ҳукумат ё ўлдиришга, ёки бошқа жазо беришга ҳақли. Бу жазо муҳорибларга, яъни қуроли ҳолда уюшиб, элу юртнинг, халқнинг тинчини бузиб, талон-тарож билан шуғулланган одамларга белгиланган жазо бўлиб, уларни ўлдириш, осиб, қўл-оёқларини қарама-қарши томонидан кесиш ёки сургун қилиш мумкин. Ҳукумат шароитга қараб, мазкур жазолардан бирини танлайди. Бошқа ҳолатларда одам ўлдириш ҳаром ҳисобланади. Мабодо ушбу улкан гуноҳ содир этилиб, биров ноҳақдан ўлдирилса, унинг валийсига – эгасига ҳақ берилади.

«Кимки мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийсига ҳақ берганмиз».

Яъни «Мусулмонлардан ким ноҳақдан ўлдирилса, ўша ўликнинг валийсига – эгасига қасос олиш ҳуқуқини берганмиз». У ўлдирилган шахснинг эгаси сифатида хоҳласа, қасос олиб, қотилни ҳам ўлдиришни талаб қилиши, хоҳласа, хун олиб, қотилни ўлдирмай қўйиши, хоҳласа, умуман, афв қилиб юбориши мумкин.

«Бас, у ўлдиришда ҳаддан ошмасин».

Яъни ўлган бир одамнинг ўрнига икки ёки ундан кўпроқ одамни ўлдирмасин. Ёки қотилни қийнаб, ҳаддан ташқари азоблаб ўлдирмасин.

Қотил марҳумни қандай қилиб ўлдирган бўлса, уни ҳам шундай қилиб ўлдирсин. Зотан, «қасос» сўзининг луғавий маъноси ҳам «бировнинг қилганига ўхшатиш» демақдир.

«Албатта, у нусрат берилган одамдир».

Яъни марҳумнинг валийси Аллоҳ томонидан нусрат берилган одамдир. Аллоҳ унга қасос олиш ҳуқуқини бериб қўйибди. Шунинг ўзи катта гапдир. Ҳаддан ошиш яхши эмас.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди